



Chief Editor:

S.Nazarkasimov, Doctor of Philosophy (Ph.D) in Sociology, Vice-Rector of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Deputy Chief Editor:

A.Turaev, senior teacher of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Members of the editorial board:

Sh.S.Sharipov - Professor

B.M.Ochilova - Professor

D.Khodjimetova - assistant professor

A.Pardaev - assistant professor

M.N.Khoshimkhonov - assistant professor

A.I.Saidkasimov - assistant professor -

F.K.Akhmedov - assistant professor

B.E.Toshboev - assistant professor

I.N.Akhmedov - PhD

D.Salimova - PhD

N.N.Alimov - assistant professor

M.Saidov - Ph.D.

X.Maxammadiev - teacher

Editorial Representative:

Abrar Turaev

Jizzakh State Pedagogical Institute,
Uzbekistan

Phone: +998933091877

e-mail: ijtimoiy2017@mail.ru

**ONLINE ELECTRONIC
JOURNAL**

"Murabbiy" ilmiy-ma'rifiy jurnali
"Mentor" scientific-educational
journal

Научно-просветительский
журнал "Наставник"

Indexed By:



Published By:

<https://science.jspi.uz/>

**Jizzakh State Pedagogical
Institute, Uzbekistan**



MUNDARIJA / CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ

№	MUALLIFLAR/ AUTHORS / АВТОРЫ	MAQOLA NOMI/ ARTICLE TITLE/ НАЗВАНИЕ СТАТЬИ	SAHIFALAR/ PAGES/ СТРАНИЦЫ
1	Н.А.Шермухамедова	Даврнинг рухи ва таълим тизими ислохотларининг мутаносиблиги	4-10
2	С.С.Агзамходжаева	Аёл маънавияти – ҳаёт зийнати	11-16
3	О.М.Ғайбуллаев	Ёшларда диний бағрикенгликни шакллантиришнинг фалсафий моҳияти	17-20
4	Г.М.Тўраева	Юксак маънавият маъсулияти	21-28
5	Ф.Б.Ғайзиева	Ёшлар кибер ижтимоийлашуви амалий социологик тадқиқот объекти сифатида	29-32
6	Ф.Маматқулов	Шахс камолотида маънавиятнинг ўрни	33-38
7	А.А.Қамбаров	Ёшларни маънавий-ахлоқий таҳдидлардан химоя қилишда диний ислохотлар масаласи	39-42
8	С.Э.Ибрагимов	Баркамол авлодни шакллантиришда гўзаллик тушунчасининг ахамияти	43-47
9	И.М.Арзиматова	Глобаллашувнинг ёшлар маънавий тарбиясига салбий таъсири	48-51
10	Г.Х.То`ғайева	Globalashuv sharoitida yoshlarda axborot istemoli madaniyatini shakllantirish va rivojlantirish masalalari	52-55
11	У.Б.Муҳаммадиев	Маънавий-ахлоқий таҳдидларга қарши курашиш ўзликни англашдадир	56-60
12	Н.Алиматова	Глобаллашув шароитида ёшлар онгида миллий ғояни шакллантиришда интеллектуал кадрларнинг роли	61-65
13	S.A. Pilyak	Analysis of the concept of identity in the context of cultural heritage interpretation	66-71
14	Н.Тангиров	Ижод жараёнининг фалсафий таҳлили	72-75
15	М.Мамажонова	Глобаллашув ва маънавий таҳдидларнинг моҳият-мазмуни	76-78
16	Б. Б. Жалолов	Зардуштийлик таълимоти манбалари таҳлилиянализ источников учения зороатризма	79-82
17	Ф.Абдусаматов	Ёшлар тарбиясида ислом омили	83-86
18	А.А.Абдурахмонов	Давлат ва жамият бошқарувида ёшлар муаммоларини ҳал қилишнинг устувор йўналишлари	87-91
19	M.Nabiyev	Globalashuv sharoitida ijtimoiy-ma'naviy qadriyatlarga asoslangan mafkuraviy	92-96

		tarbiyaning ahamiyati	
20	М.Маматмусаева	Глобаллашув шароитида мафкуравий тарбиянинг ўрни: муаъммо ва ечимлар	97-101
21	Н. Davlatova	Jizzax vohasi tojiklari: an'anaviy turmush tarzi va urf-odatlar	102-108
22	З. Миркомилова	Глобаллашув: манфаатлар ва зиддиятлар	109-114
23	С. Музаффаров	Миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш маънавий ҳаётнинг долзарб вазифаси	115-118
24	С. Тоштемирова	Глобаллашув шароитида маънавиятни шакллантиришда диний бағрикенгликнинг аҳамияти	119-121
25	С. Каримов	Шахснинг ҳаётий мақсадлари ва уларнинг ижтимоий аҳамияти	122-124
26	А.Э. Зиётова, Э.А. Бозоров	Глобаллашув шароитида маънавий-ахлоқий таҳдидларга қарши курашда таълим-тарбия муассасаларининг вазифалари	125-129
27	А.Ш. Эшмухаматов, Ж.Хушбақов	Амир Темур салтанатининг вужудга келиши	130-133
28	А. Пармонов	Ёшлар ватанпарварлиги - хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш кафолати	134-140
29	П. Қулматов	Шах маънавиятини шакллантиришда ота-она масъулияти	141-144
30	Ш.Ж. Хашимов, С.Х. Хашимова	Маънавий глобаллашув, ахборотлашган жамият ва ёшлар тарбияси	145-148
31	А. Холбоев	Ёш авлодни юксак маънавиятли шахс қилиб тарбиялашнинг назарий – педагогик асослари	149-154

ЁШЛАРДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ

*Файбуллаев Отабек Мухаммадиевич - фалсафа фанлари доктори,
профессор*

XXI аср Ўзбекистонда янгича дунёқарашга эга бўлган билимли, зукко, фаол ва замонавий технологияларни пухта эгаллаган ёшларни тарбиялаб вояга етказишни талаб этмоқда. Ижтимоий ҳаётда ёшларнинг фаоллигини ошириш, ҳар бир соҳада эркин фикрлайдиган, айниқса, диний бағрикенгликни ўзида мужассам этган, келажакка ишонч ва интилиш туйғусини шакллантириш муҳим ҳисобланади.

Фан-техника ютуқларининг янгиланиб бориши, ахборот олишнинг тезлигини кучайиб бориши, ўз навбатида фуқароларнинг, қолаверса, ёшларнинг онгини дунёвий ва диний билимлар билан бойитиб, маънавий дунёсини серқирра бўлиб боришида диний бағрикенгликнинг ўрни катта ҳисобланади. Улардаги бугунги ижтимоий тараққиёт учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни аждоқларимизнинг ахлоқий қарашлари билан бойитиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ёшларнинг ахлоқий тафаккурида диний бағрикенгликни кучайтириш, хулқ-атворида миллий қадриятларни эъзозлаш, ватанни севиш каби туйғуларни камол топтириш катта аҳамият касб этади. Бу борада Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг нутқлари ва маърузаларида ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, миллатлар ва динлараро тинчликни таъминлаш, бағрикенглик муҳитини қўллаб-қувватлаш асосий тамойил сифатида илгари суриб келинмоқда. “Маълумки, бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил қилади” [1]. Шу боисдан юртимизда динлараро бағрикенглик ғояси келажак авлодларни ҳам бир мақсад сари бирлаштиради.

Жамиятда ёшларнинг фаоллигини ошириш борасида мамлакат миқёсида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва диний тадбирларнинг барчасида юрт тинчлиги, халқ осойишталиги, давлат хавфсизлиги, Ватан равнақи, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ ёш авлодни тарбиялаб камол топтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги билан ҳам долзарбдир. Айниқса, халқимизнинг миллийлигини, ўзлигини теран англаб етиши, тарихан шаклланган маърифат булоқларидан баҳраманд бўлиши, диний қадриятларни

эъозлаши, уларни ҳар томонлама ўрганиши бугунги кун учун долзарб масаласига айланди. Ёшларнинг маънавий дунёсини эзгуликка қаратилиши ҳар хил вайронкор ғоялардан сақланиш, диний экстремистик оқим ва кучлардан гоҳ бўлиш, терроризмдан сақланиш, эгоцетризмга берилмаслик каби умуминсонийликка асосланган қарашларни шакллантиради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда миллий ва умуминсоний кадриятларнинг диний бағрикенглик асосида ташкил этилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ йўлга қўйилган. Унинг 31-моддасида «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътоқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» деб ёзилган. Шу Қомусимиз асосида динни ва диний дунёқарашни ёшларимиз калби ва онгига сингдириб бориш, диний бағрикенглик тамойилини миллий ғоямиз руҳида камол топтириш маънавиятимизнинг муҳим қирраси ҳисобланади.

Айниқса, таълим тизимини инсопарварлаштириш, ёшларимизда хорижий тилларга бўлган иштиёқмандликни кучайтириш ва шу аснода бағрикенглик маданиятини оширишга алоҳида эътибор берилган. Бу борадаги меъёрий ҳужжатлар асосида “Бизнинг – Конституциямиз ва қонунларимизда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари миллати, тили ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани мустаҳкамлаб қўйилган. Уларга ўз миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. Мамлакатимизда 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда. Давлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда олиб борилмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатувларини 12 тилда намойиш этмоқда, ўндан ортиқ тилда газета ва журналлар нашр этилмоқда” [2]. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда таълимга қаратилаётган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилиб бормоқда.

Айни пайтда турли оқим ва таълимотларнинг муқаддас динимизни ўзига ниқоб қилиб олган ҳолда, эзгуликка қаратилган ишларимизни, айниқса, мустақилигимиз ва эркинлигимизни кўра олмайдиган ёвуз кучларнинг таҳдидидан огоҳ бўлишимизда диний бағрикенгликка ёшларимизнинг муносабатини тўғри йўлга чорлаш лозим. Ёшларимизни маънавий ва маданий кадриятларни асраб-авайлашга ўргатиш, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бағрикенглик асосида амалиётга тадбиқ этилишини таъминлаш, иқтисодиёт ва ҳуқуқнинг ривожига қонун устуворлигига эришиш долзарб масалага айланди. Ҳурфикрлик, виждон эркинлиги, диний бағрикенгликнинг ёшлар маънавий дунёсида қомил инсон ғояси билан

уйғунлашуви, озод ва обод Ватанни барпо этишда турли мафкуравий қарашлардан доимо огоҳ бўлиб яшаш объектив ҳақиқатга айланиб бормокда. Айни чоғда жаҳон сиёсий майдонларида юз бераётган жараёнларда мафкуравий қурашлар халқларни бирлаштиришга интилитирмокда. Натижада бугунги кунда кўплаб мамлакатларнинг мафкураси «умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланади. Улардан тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги, миллий ва диний тотувлик ғоялари устувордир» [3]. Жаҳон халқларининг бундай биргаликдаги фаолияти аввало хавфсизликни таъминлашга хизмат қилса, иккинчидан, иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир қилади, учинчидан, турли дин вакилларини бирлаштириб, диний бағрикенгликни кучайтиради.

Ўзбекистонда маънавий-маърифий соҳадаги ислохотлардан кўзланган асосий мақсад, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар жихатдан етук бўлиб камол топишини таъминлаш, диний онгини мафкуравий майдонлардаги турли жараёнларда бўладиган воқеа-ҳодисаларга нисбатан эҳтиёткорлик руҳида шакллантириш, ҳуқуқий маданиятни ва савиясини юксалтириш, теран фалсафий тафаккур қилишга ва сўзлашга ўргатиш, динга бўлган муносабатда бағрикенгликни қарор топтиришга қаратилган.

Ҳозирги кунда олижаноб ғоялар ва эзгу ниятлар сари интилаётган ёшларимизда жаҳон ёшлари билан баҳамжиҳат ва ҳамкорлик асосида ҳаётга теран назар ташлашни, ҳар қандай воқеа-ҳодисаларни ўзи мустақил ҳал этишга эришиш ҳиссини қарор топтириш, қийинчиликларни енгиб ўтиш ва муаммони холисона ижобий ҳал қилишга ўргатиш, юксак инсоний фазилатларни ва туйғуларни тарбиялашимиз давлатимизнинг бош мақсадларидан биридир.

Ўзбекистонда миллий давлатчиликни шакллантириш, мафкуравий бўшлиққа йўл бермаслик, теран тафаккурни камол топтириш воқеликнинг кундалик эҳтиёжига айланди. Ёшларни зийрак, билимга чанқоқ, меҳнатсевар, юртга фидойи, миллий ғурур ва ифтихори учун қурашадиган, мард ва жасур, ўзликни англаган, моҳир ва зукко қилиб тарбиялаш миллий ғоямизнинг тарихан ривожланиб келган томирларидан жой олишининг ўзи биз учун катта бахтдир.

Ёшларимизни инсонпарвар ва ватанпарвар, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ қилиб тарбиялаётган «толерантлик турли хил қарашларни, эътиқодларни кўп қиррали жаҳон маданиятини ҳурмат қилиш, умуминсоний қадриятларни қабул қилиш, тўғри тушуниш ва ўзлигини намоён қилиш асосидаги инсоний индивидуалликнинг кўринишидир» [4].

Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга кадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, турли диний қарашларга ва эътиқодларга эҳтиёткорлик билан толерантлик асосида ёндошишни, юксак ахлоқий негизлар ва маънавий фазилатларни ўзида мужассам этишга ўргатмоғимиз лозим. Ёшларимизни комил инсон қилиб тарбиялашга интилаётган бугунги маънавий дунёмиз динга муносабатимизни ҳурфикрлик, виждон эркинлиги қоидалари билан узвийликда қарор топтираётган экан, барча соҳаларда содир бўлаётган янгиликларни ҳолисона ўрганиш, жамият, халқ, миллат ва инсон учун хизмат қиладиган дунёқарашни шакллантириш бош мақсадимиздир.

Жамиятимизда диний бағрикенглик асосида давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, ҳар бир миллат ва элатнинг ўзига хос миллий хусусиятлари ҳамда этник бирликларини инобатга олиш, диний эътиқодларнинг барчасини ҳурмат қилиш, ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган маданиятни юксалтириш муҳим аҳамият касб этади.

Миллий тараққиётимизни ҳурфикрлаш, ҳаракат ва ташаббус кўрсатишсиз тасаввур этиб бўлмайди. Жамиятнинг объектив қонунлари мавжуд бўлиб, улар ижтимоий ҳаётда ёшларнинг фаолиятида диний тафаккурнинг хилма-хиллиги билан маънавий дунёқарашни янгилаб боради. Келажак авлоднинг диний кадриятларга, турли диний маросимларга, миллий ва умуминсоний кадриятларга бўлган муносабатини бағрикенглик негизида ривожлантириб боришимиз даркор.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2018. 296-бет.
2. Каримов И.А. Ўз кежалагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз.7-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1999. 381-бет.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: Ўзбекистон, 2000. 22-бет.
4. М.Сафаров. Толерантлик ва миллий ғоя // «Ёшлар онги, қалби ва дунёқарашини шакллантириш ҳозирги куннинг долзарб масаласи» мавзусидаги республика илмий-услубий анжумани тўплами, 1-қисм, ГулДУ, 2011. 87-бет.